

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

540 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ–2340-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида» 2017 йил 16 июндаги ПҚ–3064-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ–2340-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида» 2017 йил 16 июндаги ПҚ–3064-сон қарорига мувофиқ, шунингдек ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг улушини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 19 июнь,
388-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 июндаги 388-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ–2454-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2016 йил 10 февралдаги 33-сон қарорига 3-илованинг «Банклар» бўлимига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2016 й., 6-сон, 56-модда) қуйидаги мазмундаги 168⁷-позиция қўшилсин:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

« 168 ⁷ .	«Туронбанк» АТБ	Тошкент шаҳри	».
----------------------	-----------------	---------------	----

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ–2454-сон қарорининг бажарилиши ҳақида» 2016 йил 5 августдаги 252-сон қарорига 2-иловадаги (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2016 й., 32-сон, 388-модда) 34-позиция чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ–2454-сон қарори)» 2017 йил 6 февралдаги 59-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 6-сон, 78-модда) илова 2-бандининг «в» кичик банди чиқариб ташлансин.